



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДВОКАТЛАР ПАЛАТАСИ
Б У Й Р У Қ**

2019 йил 23 январь 2 -ум-сон

**Адвокатура бўйича малака имтиҳони билетларига
киритиладиган саволлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 14 мартдаги 69-мқ-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисида”ги Низомга, 2019 йил 9 январдаги 11-мқ-сон буйруғи билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганлиги муносабати билан,

БУЮРАМАН:

1. “Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисида”ги Низомнинг 29 бандига асосан “Маъмурий ва жиноий” суд ишларини юритиш ихтисослиги бўйича малака имтиҳони билетларига киритиладиган саволлар рўйхати 1-иловага мувофиқ, “Фуқаролик ва иқтисодий” суд ишларини юритиш ихтисослиги бўйича малака имтиҳони билетларига киритиладиган саволлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Малака имтиҳонлари билетларига киритилган саволлар рўйхати қайта ишлаб чиқилиб, уларнинг сони 942 тага камайтирилганлиги қайд этилсин.

3. Малака имтиҳони билетларига киритиладиган саволлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг расмий raguz.uz веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Мазкур буйруқни ижросини таъминлаш Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссияси масъул котиби Н.Матякубовага юклатилсин.

5. Мазкур буйруқ ижроси устидан назорат Адвокатлар палатаси раиси ўринбосари Ш.Садиковга юклансин.

Палата раиси


А.Эрназаров